



Устозимиз Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратларининг шогирдларидан бири, узок йиллардан бери динимизга хизмат кўрсатиб келаётган, бир неча йил «Кўкалдош» мадрасасида раҳбарлик қилган, ҳозирда «Жўрабек» масжидида имом-хатиб бўлиб, масжидни қайта тиклашда бош бўлиб турган Абдулҳаким кори ака билан Рамазон суҳбати.

□ Кори ака, аввало, Рамазонлар муборак бўлган бўлсин! Шундай қутлуг кунларда ушбу суҳбатимиз кечиб турганидан бағоят мамнунмиз. Аввало, устозларингиз хақида қискача тўхталиб ўтсангиз.

□ Аллоҳга ҳамду саноларимиз, Расулимиз Мухаммад (соллаллоху алайҳи васаллам)га дуруд ва салаотларимиз бўлсин!

Раҳмат, кори домла. Моҳи шарифи Рамазон ойи барчамизга баракотли бўлсин! Бу ой – Куръон ойи, ибодат ойи, файзу барака ойи. Шу билан бирга, бу ой жуда ҳам ганимат мавсим. Уни кечагина қанчалар интизорлик билан кутиб олган эдик, мана, бир пасда у билан видолашув арафасида турибмиз. Хар йили хатми Куръон, тоат-ибодатлар билан

Рамазон ойининг кандай ўтганини билмай ҳам қоламиз, унга тўймай қоламиз. Бу ҳам, албатта, кишининг иймонига боғлиқ хол, деб ўйлайман. Аллох бу ойнинг файзу баракасини юртимизга янада мўл ва бардавом айласин!

Мен дастлаб опокдадам Абдурашид кози домлада савод чикарганман. Кейин Андижондаги улуг кори устозлар — Одилхон кори дада, Ахмадуллох кори дада, кейин Мубин кори даданинг фарзанд ва шогирдлари хизматида бўлиб, улардан таълим олганман. Бу улуг зотларни эсламай иложимиз йўқ, чунки улар ўша мустабид тузум даврида динимизни, ўзлгимизни, миллатимизни саклашга жуда катта хисса кўшишган. Уларнинг хизматларининг баракаси бугун нафакат юртимизда, балки бутун минтакамизда акс садо бериб, мусаффо Исломи, ахли сунна вал жамоа анъаналарини асрашга сабаб бўлмоқда.

Андижон халки қадимдан Куръонда пеш бўлган. Рус босқинчилари, худосиз большевиклар харчанд уринмасин, бу халқни Куръонидан айира олмаган. Андижонликларнинг тили Куръонга бурролиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, бу ўлка уламоларининг минтакамиз мусулмонларининг маънавияти учун қилган хизматлари бекиёсдир.

Илм олиш иштиёкида 1986 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Илом институтига ўқишга кирдим. Бу пайтда мустабид тузум зугумларидан ҳамма зериккан, худосизлик, динсизликдан чарчаган, халқимизда уйғониш куртаклари кўришиб қолган эди. Юзлаб толиби илмлар орзу қилиб юрган бу даргоҳга мен Куръоннинг шарофати билан ҳеч бир қийинчиликсиз қириб кетганман. Қабул учун ёзилган аризада Куръонни ёд олганимни ҳам айтган эдим. Шу пайтгача Маъҳадга қирганлар ичида қорилар жуда қодир бўлган экан. Иштихондан кейин Муфтий Шамсиддинхон ака мени алоҳида чақиртириб, шундай деган эди: «Оталаримизнинг Куръони Қаримга ихлослари ўзгача эди. Шу боис ахли Куръонларни жуда ҳам ардоқлашарди. Қиблагохимиз Зиёуддин хазрат: «Қорилар юртнинг баракаси, файзи ҳисобланади. Агар юртда етарли қорилар бўлмаса, Аллохнинг олдида нима деб жавоб берамиз? Пойтахтга яхши қориларни жалб қилишимиз керак», дердилар ва шу учун Тошкентдаги катта кори бувалар бирин-кетин ўтиб кетиб, қорилар топилмай қолиши хавфи тугилганда ўзлари харидор бўлиб юриб Раҳматуллох ва Абдурашид қориларни ўқишга қиритгандилар. Биз ҳам оталаримизнинг давомчиларимиз, қориларни ҳурмат қиламиз, уларга имтиёз берамиз. Институтимизга қорилар керак, сизни ҳам шу мақсадда ўқишга қабул қилдик».

Шундай килиб, Маъхадда тахсил ола бошладим. У пайтда устоз Шайх Мухаммад Содик хазратлари институтнинг проректори эдилар. У кишининг Куръонга ва кориларга эҳтимомлари ўзгача эди. Шунинг учун ҳам ўша пайтларданок орамизда мустахкам ришта пайдо бўлганди. Тахсил асносида менга хар тарафлама туртки бўлган, намуна бўлган, йўл кўрсатган ва Маъхадни кўнгилдагидек тугаллашимга сабаб бўлган асосий устозим шу киши бўлдилар. Кўпчилик талабалар катори мен хам у кишини ўзим учун ўрнак килиб олгандим.

Ўқиш мобайнида Куръони Каримнинг баракаси хар кадамда сезилиб турди. Ўша йиллари хам Рамазон ёзга тўгри келганди, ўқишга кирган йилимок «Тилла Шайх» (хозирги «Хазрати Имом») масжидида хатмга ўтдим. У пайтда масжидда Минхожиддин кори ака, Яхё кори ака, Рахматуллох кори ака ва Абдурашид кори ака хатмга ўтарди, мен бешинчи кори бўлиб кўшилдим. Лекин эртасига ўша пайтдаги диний кенгашнинг раиси мени чакириб: «Биз сизни Москванинг рухсатисиз хатмга ўтказган эдик, эътироз билдиришди, энди намозга ўтмай турасиз», деди. Уч-тўрт кундан кейин Диний идора масъулларининг ташаббуси билан менга хатмга ўтишга яна рухсат берилди.

□ Бунни карангки, суҳбатимиз окими навбатдаги саволимизга туташиб келди. Собик Иттифок даврида юртимизда Рамазон ойида санокли масжидлардагина хатми Куръон бўларди ва уларда, асосан, катта ёшдаги кори бувалар кироат килишарди. Сўнги йиллардагина айрим ёш корилар хам хатмга катнашишган. Биз сизни ўша ёш корилар сафида Куръон майдонида кириб келганингизни биламиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, ўша даврдаги хатми Куръонлар хакида кискача тўхталиб ўтсангиз.

□ У пайтда Ўрта Осиё ва Козогистон мусулмонлари диний идораси Тошкентда бўлгани учун ушбу минтакадаги хатми Куръонлардан хабардор бўлиб туриларди. Хамт, асосан, Тошкентдаги, Фаргона водийсидаги ва Тожикистондаги айрим марказий масжидлардагина бўларди. Козогистон ва Киргизистонда бунака гаплар йўк эди. Хатмга хам, асосан, ёши улуг кори бувалар ўтарди, ёш корилар бўлмасди. Айрим масжидларга бир йил рухсат бўлса, бир йил рухсат тегмасди. Бутун Ўрта Осиё бўйича биргина «Хазрати Имом» масжидида хатм килишга рухсат берилган йиллар хам бўлган.

Андижондаги устозларимиз айтиб беришганди. Бир йили Хабибуллох хожи дада Андижон шаҳридаги «Девонабой» масжидида хатм килишга рухсат олиш учун Тошкентга келибдилар, аммо рухсат берилмабди. Умидини узган Хожи дада Андижонга йиглаб кайтибдилар. Масжидга келиб, кўзларида ёш билан жамоатга: «Мухтарам жамоат, бу йил масжидда хатм килишмизга рухсат бўлмади. Аммо биз ноумид бўлмаймиз, бўшашмаймиз, бошқача йўл тутамиз. Эртадан бомдод намозида хатм бошлаймиз, келаси Рамазон олдидан хатмни тугатамиз, иншооллох, масжидимизда йил бўйи хатм килган бўламиз, бу йил хатм эшитишни ният килганлар, истовчилар эртадан бомдодни шу жамоат билан ўқисин. Олдин нафл намозда хатм килиб келган бўлсак, энди фарз намозда хатм киламиз, хатми Куръонни тарк этмаймиз», дея мурожаат этибдилар. Шундай килиб, масжидда хатмни тўхтатмаган эканлар.

Ўйлаб карасам, кори дадаларимиз хатми Куръонларда бугунги кунларимизни сўраб илтижолар килишар экан. Улар хар намозда, хар хатмда «Парвардигоро, мажидларимиз, кориларимиз, намозхонларимиз сафини кенгайтир, Юртни обод эт», деб йиглаб дуо килишарди. Алхамдулиллох, бугун биз Рамазонларда килинган ўша дуоларнинг қабул бўлганини кўриб турибмиз.

Устозимиз Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф (рахматуллохи алайх) муфтий бўлгач, масжидларни кўпайтириш билан бирга, чекка вилоятларда ҳам хатми Куръонлар килинишига алоҳида эътибор қаратдилар. Яхё кори ака билан мени Хоразмга хатмга юбордилар. «Охун Бобо» масжидида килинган ушбу хатм Хоразм вилоятида собик Иттифок давридаги биринчи хатми Куръон бўлган. Одамлар дастлаб хатм бўлаётганига ишонишмаган, аста-секин атроф-жавонибдан намозхонлар келиб, жамоат кўпайган эди. Етти-саккиз киши билан бошланган хатмга бир ҳафтада беш юзтадан зиёд одам қатнашган. Хатмни ўн беш кунлик килганмиз. Одамлар худосизлик ташвиқотларидан чарчаган, динга чанкок, Куръонни согинган экан, халк жуда мамнун бўлган, хатмда кўзларида ёш билан мик этмай турган. Чунки халкимизнинг ўша пайтда ҳам динга, Куръонга бўлган мухаббати ўзгача эди.

Хивада Ота Ниёз кори ака деган одам бор экан. Ўша пайтда ёшлари саксондан ошган эди. Хоразмда хатми Куръон бўлаётганини эшитиб ишонкирамаган эканлар. Кейин корилар билан кўришсам, деган орзуда бизни чакиртирган эканлар, зиёратларига бордик. Ўзлари қариллик сабаб хатмга келолмабдилар. Борсак, ҳадялар тайёрлаб кўйибдилар. Жуда улуг инсон эканлар, суҳбатлари ҳам нияхоятда марокли. Айтишларича, Хива хонлиги даврида Ичон қалъада 5000 минг кори таълим оларкан. Хар йили Куръон мусобакаси бўлиб, биринчи ўринни олган голибга хон тарафидан кичик бир хумда тилла совга қилинаркан. Ота Ниёз кори бува ана ўша совринга сазовор бўлган инсонларнинг сўнгиси бўлган экан. Худосизларнинг катағони Хива заминини қонга белаган пайтда Ичон қалъадаги домлалар ва кориларни олиб чиқиб, тириклайин қумга

кўмишган экан. Ўшанда иккита талаба кочиб жон саклаб колган бўлиб, улардан бири Ота Ниёз кори бўлган эканлар. Ота Ниёз корининг онаси хон совга килган тилла тангаларни корининг чопони ковуғига жойлаб берибди. Кори Туркменистон тоглари томон хижрат килибди. Кейин Киргизистон тоғларида яшаб юриб, 1980 йилларда Хивага кайтган эканлар. Шунда ҳам анчагача ўзларининг хофизи Куръон эканларини яшириб юрган эканлар. У киши билан учрашувимиз жуда ҳам ажойиб ўтди.

□ Мустакилликдан кейин Пойтахтдаги катор масжидларда Туркия, Афғонистон, Миср ва бошқа мусулмон юртлардан келган корилар хатм килишган экан. Бу нарса ўша пайтда ўзимизда корилар етишмаганидан бўлганми ёки бошқа бир сабаб бормиди?

□ Ха, ўша пайтда Тошкентда корилар, деярли, колмаган эди, масжидлар эса кўпайиб кетганди. Шу билан бирга, айрим кориларимиз тортинчокликданми ёки бошқа сабабданми, ўзларини яшириб, халк олдига чикишдан кочишарди. Бугун эса, алхамдулиллох, кориларимиз жуда ҳам кўп ва сифат даражалари ҳам баланд. Хар бир масжидда хатм киламиз, десак ҳам кориларимиз бемалол етиб ортади. Бунинг учун хар канча шуқр килсак, оз.

□ Сиз олдинги кори дадаларни кўрган ва ёш кориларни ҳам якиндан кузатиб турган ахли илм сифатида бугунги кориларга нима тавсиялар айтган бўлардингиз?

□ Алхамдулиллох, бу Рамазонда хар йилгидан ҳам кўра кўпрок хатми Куръонларда иштирок этиш насиб бўлди. Тошкентдаги масжидларни олиб караганимизда, кориларимизда ўсиш жуда ҳам зўр, кироатлар бир-биридан гўзал, тартиб-интизом ҳам хавас киладиган. Кўплаб Ислом ўлкаларида бўлиб шунга амин бўлдимки, биздаги хатми Куръонлардаги савия, бундай шуқух бошқа жойларда жуда ҳам камёб холат экан. Илохим, кўз тегмасин, зиёда бўлсин! Аммо жумхуриятимизнинг айрим вилоятларида етук корилар етишмаётган, баъзи масжидларда хатми Куръонга унча эътибор берилмаётган холатлар ҳам бор. Уларни ҳам аста-секин ислох килиб боришимиз керак.

Ёш кориларга тавсия маъносида шуни айтиш мумкинки, аввало, ўлкамиздаги қадимги устоз корилар ўзига хос мадрасага эга бўлганларини яхши англаб олишимиз керак. Ҳозирда айрим кориларимиз Хориж давлатларидаги баъзи кориларга таклид қиламан, деб ўз услубларини йўқотиб қўйишмоқда. Тўғри, уларнинг кироати ҳам ўзларига хос, аммо бор нарсани такрорлашда бир янгилик, манфаат йўқ. Баъзан таклид натижасида Куръонга номуносиб оҳангларга ўтиб кетиб қолиниши эса кишини янада нохуш қилмоқда. Аслини олганда, Шаҳобиддин кори ака, Мубин кори ака, Абдулбоқий кори бувалар каби катта устозларимизнинг услублари ҳар тарафлама устун, ўшаларнинг мадрасаларини ривожлантириш муносибдир.

Бир йили Кувайт Молия ва Вақф ишлар Вазири Адуллоҳ Маътук юртимизга ташриф буюрганда шахсан менга илтимос қилиб: «Менга шундай макондан жой қилинганки, бондод, шом ва хуфтон намозларида масжидга жамоатга қатнай, чунки мен сизларнинг кориларингизнинг кироатларини тинглашни орзу қилиб келганман. Кувайтдаги ёши улуг шайхларимиз Мовароуннаҳр кориларининг кироатларини қўп макташар ва асл кироат деб баҳолашар эди. Биз устозлардан бу ҳақда қўп эшитганмиз», деб айтди. Биз меҳмонга айтган шароитини яратиб бердик, жуда мамнун бўлди.

Масжидларда хатми Куръон қилишга кориларни танлашни шу ишнинг мутахассисларига топшириш керак. Етук корилар, устозлар ёш кориларни имтиҳон қилиб, саралаб, уларга тавсиялар бериб борсалар, жуда яхши бўларди. Бунинг учун Диний идора қошида мутахассис корилардан иборат махсус хайъат ҳам тузиш мумкин. Дунёнинг қўп жойларида корилар уюшмалари бор, улар шу соҳанинг раўнақи учун хизмат қиладилар.

Сўнги йиллардаги тажрибалардан қелиб чиқиб яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, хатми Куръон учун вақт белгилашни ҳам корилар билан бамаънаҳат қилиш лозим. Чунки қўп жойларда шу маънода кориларимизга қийинчилик, ноқулайликлар рўй бераётганига гувоҳ бўлиб қоляпмизки, бунинг тўғри ечими айнан кироат илми мухассисларининг ҳулосалари билан боғлиқдир. Хатми Куръон ҳақида етарли илмга, тасаввурга эга бўлмаган кишиларнинг аралашуви турли қўнғилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

□ Фурсатдан фойдаланиб, яна бир мавзуга ҳам кискача тўхталсак. Хозирда айрим кориларимиз халқаро Куръон мусобакаларида ҳам катнашиб келишмоқда. Иш фаолияти сабабли ўшандай мусобакалардан бевосита хабардор мутахассис сифатида бизнинг кориларимиз халқаро мусобакаларда голиб бўлиш учун нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

□ Мен ўзим ҳам Малайзиядаги Куръон мусобакасида катнашганман, Аллоҳга шукрлар бўлсинки, кўплаб халқаро мусобакаларга кориларимизни юборишга ҳам хисса кўшиб келганман. Кориларимиз ўзларининг гўзал кироатлари билан доимо юртимиз шаънини кўтариб, дунёга танитиб келаётган бўлсалар-да, хали юкори ўринларни забт эта олишганча йўқ. Тўғри, халқаро мусобакада биринчи ўринни олган кориларимиз ҳам бўлди, аммо кўпинча бундай ютук муяссар бўлмай қолаётир. Бунинг бир катор сабаблари бор, албатта. Юртимизда жуда ҳам таланти, хушовоз, гўзал кироатли кориларимиз бисёр, факат уларни кашф қилиш, етилтириш керак. Халқаро мусобакаларга чиқариладиган кориларни ана ўшандай мусобакаларнинг талабларини биладиган кироат мутахассислари танлаши даркор. Шу билан бирга, бунга муносиб тайёргарлик ҳам бўлиши лозим. Бизда кўпинча корига бир неча кун олдингина хабар берилади-да, кейин у кори шоша-пиша тайёрланган бўлиб, сафарга отланишга мажбур бўлади. Шуни эртарокдан аниқлаб, керагича шугулланишига шароит яратиб берилса, анча яхши натижаларни қўлга киритиш мумкин. Кейин бир марта чет эл мусобакасига чиққан кори негадир қайтиб бошқа жойга юборилмайди. Балки бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бордир, лекин тажриба орттириб қайтган корини яна қайта юборилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Корилар юртнинг баракаси ва шон-шарафидир. Куръон ўқилиб турган юртга бало келмайди, дейилади. Куръон тирикларимиз учун ҳам, ўтганларимиз учун хайру барака манбаидир. Куръоннинг, хусусан, фарзанд тарбиясидаги ўрни жуда катта, маънан соғлом авлод тарбиялашдаги ўрни бекиёс. Тажрибалар шуни кўрсатадики, Куръон кишининг ахлокини сайқаллайди, хофизасини ўткир қилади, аклини пешлайди. Шунинг учун, корилар ахлоқ-одоби, зийраклиги билан ажралиб турганини кўрамиз. Бежизга илгариги аждодларимиз фарзандларига барча илмлардан олдин Куръон ёдлаттирмаган. Имом Бухорий, Абу Ийсо Термизий, Мухаммад Хоразмий, Ахмад Фаргоний, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мир Алишер, Мирзо Улугбек каби алломаларимиз, аввало, Куръон корилари бўлишгани сўзимизнинг ёркин далилидир. Зеро, Куръон ҳар қандай илм учун пойдевор, асос ва барака бўлишида шубҳа йўқ. Аллоҳ таолодан Ўз каломи шарофатидан Ватанимизни янада обод, халқимиз ҳаётини яна ҳам фаровон этишини, ризк-рўзларимизга баракалар бериб, келажагимиз олий, мустақиллигимиз мустаҳкам бўлишини муяссар этишини сўраймиз. Ўтган кори устозларимизни Ўз раҳматига олиб, кориларимизни ҳамиша Ўзи қўллаб-қувватласин!

□ Қимматли маълумотлар ва марокли суҳбат учун барча мухлислар ва ўқувчилар номидан сизга ташаккурлар айтамыз. Аллох таоло бундан кейин ҳам динимизга, халқимизга, Қуръони Қаримга янада улкан хизматлар қилишингизни насиб айласин!

Суҳбатни «Қуръан.уз» сайти ходимлари олди

1437 йил, 28-Рамазон